

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03**

РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХРИДДИНОВА БАШОРАТ МАДИЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚУВ ЛУҒАТЧИЛИГИ: ЛИНГВИСТИК
АСОСЛАРИ, ТАРИХИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2020

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on
Philological Sciences**

Бахриддинова Башорат Мадиевна

Ўзбекистонда ўқув луғатчилиги: лингвистик асослари, тарихи ва
истикболлари

3

Бахриддинова Башорат Мадиевна

Учебная лексикография в узбекистане: лингвистические основы,
история и перспективы.....

33

Bakhriddinova Bashorat Madiyevna

Educational lexicography in Uzbekistan: linguistic basis, history and
prospects

64

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

68

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХРИДДИНОВА БАШОРАТ МАДИЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚУВ ЛУҒАТЧИЛИГИ: ЛИНГВИСТИК
АСОСЛАРИ, ТАРИХИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Fil120 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Самарқанд давлат университети веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Менглиев Бахтиёр Ражабович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Каримов Суён Амирович филология фанлари доктори, профессор
	Собиров Абдулхай Шукурович филология фанлари доктори, профессор
	Бакиров Поён Уралович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил “26” ноябрь ҳават 11 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хибони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92, факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош уқуа биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (26-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хибони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92, факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил “14” ноябрь уни тарқатилди.
(2020 йил “14” ноябрь даги 64 рақамли реестр’баёнвомаси).



М.Қ.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

А.Б.Нардиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол. ф.д.

А.Э.Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилдан амалий фойдаланиш кўникмаларини ошириш, тилни тасвирлаш билан бирга уни тез ва осон ўқитиш мақсадини бирлаштирган лингводидактик воситалар тадқиқига эътибор кучаймоқда. XX аср бошларига келиб кўпгина ривожланган давлатларда нафақат тил ўрганиш, балки интеллектуал салоҳияга эга, юксак маънавиятли, умуммиллий ва умуминсоний кадриятларга содиқ шахсни тарбиялашнинг муҳим воситаси деб ўқув луғатлари тан олинди. Замонавий шахснинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган коммуникатив қобилиятини ўстирувчи антропоцентрик луғатларни яратиш ва уларни электронлаштириш зарурати лингводидактика, лингвометодика, педагогик лексикография, компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикаси каби амалий тилшунослик соҳалари тараққиётини тақозо қилмоқда.

Дунё тилшунослигида тил лексик сатҳини уни ўргатиш мақсади билан ақс эттирган илк лингвистик манбалар – ноёб мумтоз луғатларни ўқув луғати кўзгуси остида тадқиқ қилиш, мазкур луғатларнинг ўз даврида мамлакат тараққиётига кўшган муҳим ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий хизматини очиқ беришга асосий эътибор қаратилди. Глобаллашув шароитида миллий маданият феноменининг асосий белгиси бўлган тилнинг мақом ва мевқеини сақлаб қолиш, ахборот-коммуникация, интернет тилига айланиш даражасини оширишда таълимнинг турли бўғинлари учун мўлжалланган янги авлод ўқув луғатлари ҳамда уларнинг электрон қурилмаларда ишлашга мўлжалланган мобиль иловаларини яратиш, фойдаланувчиларда лексикографик компетентликни оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш бугунги тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон айти пайтда ўз тараққиётининг янги босқичи – миллий юксалиш даврига қадам қўйди. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир мустақил давлат ўз миллий манфаатини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий кадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”¹. Мамлакатимизда тил сиёсати борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар нафақат ўзбек тили тараққиётида янги давр бошланиши, балки тилшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг ҳам янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди, тилни шахс омили билан боғлиқ ҳолда ўрганувчи амалий тадқиқотларга эътибор кучайди. Олдимизга қатор вазифалар билан бирга “ўзбек тилидаги мавжуд луғатлар асосида узлуксиз таълимнинг барча турлари учун ўқув луғатларини яратиш”² вазифаси ҳам қўйилди. Бу эса она

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // www.lex.uz

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сонли “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // www.lex.uz

тилидан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва хорижий тилларни тезкор ўргатишга хизмат қилувчи замонавий ўқув луғатларига бўлган талабни янада оширди. Ўзбек тилшунослигида айни пайтгача ўқув луғатчилигининг назарий ва амалий масалалари монографик тадқиқ объекти бўлмаганлиги танланган мавзунинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари; 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 989-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги”, 2020 йил 29 январдаги 40-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация илмий натижалари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ҳамда инновацион ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Ўқув луғатчилигининг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, London University, Oxford University, (Англия), Northern Arizona University, Northern Illinois University, California State University, Princeton University, Columbia University (АҚШ), Göttingen Universität, Berlin Universität, Humboldt Universität, Goethe Universität (Германия), Tokio University (Япония), Москва давлат лингвистика университети, А.С.Пушкин номидаги рус тили давлат институти, Псков давлат университетида (Россия), шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Қарши давлат университети, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.pushkin.institute.ru, www.lingvolive.com/ru, www.dictionary.com, www.merriam-webster.com, www.macmillan-dictionary.com, www.learners-dictionary.com, www.oxford-advanced-learners-dictionary.com, www.en.wikipedia.org, www.learnenglishkids.britishcouncil.org, www.multitrans.ru ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Жаҳон тилшунослигида ўқув луғатчилигининг шаклланиши, тараққиёти, замонавий авлодлари – даражали ўқув луғатлар, комплекс ўқув луғатлари, серияли луғатлар, ўқув ассоциатив луғатлар, лексик минимумлар, электрон луғатларни яратишнинг назарий ва амалий масалалари доирасида тадқиқотлар олиб борилган, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўқув луғатчилигининг тарихий илдизлари, асосий тавсифий белгилари, типологияси, лингводидактик, психоллингвистик, социоллингвистик, лингвопедагогик, когнитоллингвистик асослари ишлаб чиқилган (Московский государственный лингвистический университет, Институт русского языка имени А.С.Пушкина, Псковский государственный университет, Россия), ўқув луғатларининг замонавий кўринишлари WordNet, Wikipediya, Lingvo, Multitran типдаги ўқув-тезауруслар, онлайн-луғатлар, рангли-безакли ўқув энциклопедиялар, икки тилли таржима луғатларини яратишнинг назарий ва амалий масалалари асослаб берилган (Northern Arizona University, Northern Illinois University, California State University, Princeton University, Columbia University, АҚШ); турли мавзувий луғатларни яратишнинг лингвопедагогик асослари ишлаб чиқилган (Göttingen Universität, Humboldt Universität, Германия), ўзбек тилидаги мавжуд луғатлар асосида узлуксиз таълимнинг барча бўғинлари учун янги авлод ўқув луғатларини яратиш зарурати асосланган (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон).

Жаҳон тилшунослигида ўқув луғатчилиги тарихи, унинг тараққиёт босқичлари, ўқув луғатини тузиш қонуниятлари, замонавий типдаги янги авлод ўқув луғатларини яратиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жаҳон луғатчилигининг нодир намуналари ҳисобланган илк лексикографик маҳсулотларни ўқув луғати нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш, инновацион лексикографик концепцияларни ишлаб чиқиш ва улар асосида янги турдаги ўқув луғатларини яратиш; мавжуд босма ўқув луғатларини ахборот технологияларининг функционал имкониятларидан фойдаланган ҳолда электронлаштириш; онлайн-луғатлар, ўқув-тезауруслар, миллий корпуслар, комплекс ўқув луғатларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқув луғатларини илмий асосда ўрганиш XVII асрда биринчи инглиз лексикографи С.Жонсон, XIX асрда француз тилшунослигида Ж.Дюбуа, К.Дюбуа, Г.Маторе, Б.Кюмада, Америка тилшунослигида К.Д.Бак, испан тилшунослигида Ж.Малкил, рус тилшунослигида П.Н.Денисов, В.Г.Гак, Л.А.Новиков, В.В.Морковкин,

С.Г.Бархударов, Ю.Н.Караулов, М.А.Скопина, А.Е.Супрун, Л.Г.Саяхов, Т.А.Кадырбаева¹ каби тилшунос ва педагогларнинг ишларидан бошланади.

XX охири XXI аср бошларида жаҳоннинг АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Россия, Украина каби илғор мамлакатларида ўқув луғатларининг замонавий авлодларини яратиш, мавжуд луғатларни электронлаштиришнинг назарий ва амалий масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб борилди. Жумладан, В.В.Дубичинский, С.В.Лебедева, И.Л.Воронцова, Е.Ю.Балалаева, А.И.Ольховская, И.Федоров, М.А.Шахматов, Г.А.Миллер, А.К.Сулейманова, М.В.Трабукина, Т.И.Кобякова, И.Л.Старикова, Г.Ф.Богачева, И.Н.Савченкова, Л.К.Муллагалиева, Е.А.Румянцева, Р.И.Рогалёва, У.Нурмухамедов², педагогик аспектда Т.В.Жеребило, Л.А.Балобанова³ ва бошқаларнинг тадқиқотларини келтириб

¹ Jonson S. The plan of a Dictionary of the English Language. L. 1747. 233 p; Dubois J., Dubois S. Introduction a la lexicographie : le dictionnaire. 1971. 183 p; Matore G. Histoire des dictionnaires français. Paris, LAROUSSE, 1968, 270 p.; Bernard Quemada. Les dictionnaires du français moderne 1539-1863. Etude sur leur histoire, leurs types et leurs methodes, Paris (M. Didier) 1967, 683 p.; Buck C.D. A Dictionary of selected synonyms in the principal Indo-European languages. Chicago, 1949.; Malkiel J. Distinctive features in lexicography: A typological approach to dictionaries. Romance Philology, vol. XIII.,No.2. Nov., 1959.; Денисов П.Н. Очерки по русской лексикологии и учебной лексикографии. М., 1974; В.Г.Гак. Общие вопросы учебной лексикографии. М.: Русский язык. 1977.; Новиков Л.А. Учебная лексикография и её задачи. –М.: Изд. МГУ, 1969.; Морковкин В.В. Основы теории учебной лексикографии: Дисс... д-ра. филол. наук. –М., 1990. – 72.с.; Бархударов С.Г., Новиков Л.А. Каким должен быть учебный словарь? // РЯЗР. 1971, №3; Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1975. – 47 с.; Скопина М.А. Проблема отбора лексического материала в учебной лексикографии / Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 1975. – 21 с.; Супрун А.Е. Некоторые свойства учебного словаря и словарь для обучающего // Проблемы учебной лексикографии и обучения лексике. – М.,1978.; Саяхов Л.Г. Вопросы учебной лексикографии: Учебное пос. –Уфа, 1980. –78 с.; Кадырбаева Т.А. Раскрытие значения русского слова в инварианте и национальных вариантах учебного словаря / Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –М., 1985. –15 с.

²Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: учеб.пособие / Дубичинский В.В. – М.:Наука: Флинта, 2008. – 432 с.; Лебедева С.В. Учебные словари различных типов в культурологическом аспекте / Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Иваново, 2005. – 23 с.; Воронцова И.Л. Лексикографический анализ тезаурусов учебного типа // Проблемы лексиког. - СПб, 1997.; Балалаева Е.Ю. Универсальные и специфические функции учебных словарей // Балалаева Е.Ю. Универсальные и специфические функции учебных словарей // Актуальные проблемы фундаментализации образования – Чебоксары: ЦНС «Интерактив плюс»\ /: https://interactive-plus.ru/ru/article/1934/discussion_platform; Ольховская А.И. Учебная лексикография в стенах института Пушкина / Русский язык за рубежом. № 4, –М., 2016., – С.66-72.; Федорова И. Учебная лексикография. Теория и практика / Dictionary Use. М., 2006., 128 с.; Учебная лексикография: учебное пособие / под ред. М.А. Шахматовой. - СПб.:, 2011. - 300 с.; Miller G.A., R.Beckwith, C.Fellbaum, D.Gross. Introduction to WordNet: an on-line lexical database. // International Journal of Lexicography 3, 1990, Revised August 1993.; Сулейманова А.К. Лингводидактические основы комплексного учебного тематического словаря генеративного типа / Дисс... канд. филол. наук. – Уфа, 1999., – 173 с.; Кобякова Т.И. Учебный лингвокультурологический словарь “Концепты духовности русской языковой картины мира” как основа формирования концептосферы учащихся на уроках русского языка / Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Уфа, 2006., 23 с.; Трабукина М.В. Учебный тематический словарь: типы семантических отношений / Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Уфа, 2002., –21 с.; Старикова И.Л. Основы построения учебных словарей сопроводительного типа: на материале “Толкового словаря школьника” / Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 2008.; Богачева Г.Ф. Абсолютная ценность русского слова в аспекте учебной лексикографии / Автореф. дисс... канд. филол. наук. –М., 2011. – 21 с.; Савченкова И.Н. Локально ориентированный учебный словарь русского языка для иностранцев: принципы построения и структура / Дисс ... канд. филол. наук. –Ростов-на-Дону, 2012. - 250 с.; Муллагалиева Л.К. Учебный словарь “Реалии русской культуры” как основа формирования этнолингвокультурологической компетенции учащихся / Дисс. ... канд. филол. наук. –Уфа, 2002. – 201 с.; Румянцева Е.А. О проекте русско-английского учебного электронного словаря с элементами тезауруса // Исследования в гуманитарных науках. - Вып. 3. –М., 2005.; Рогалёва Е.И. К концепции интерактивного учебного словаря. Известия ВГПУ, 2009.; Nurmukhamedov U. Online English-English Learner Dictionaries Boost Word Learning. // English Teaching Forum. 2012, Number 4.

³Жеребило Т.В. Функционально-стилистический инвариант системы языка как основа создания учебных словарей и использования их в национальной школе / Дисс... докт. пед. наук. –М., 1996.– 498 с.; Балобанова

ўтиш ўринли. Шунингдек, Марказий Осиё давлатларида ҳам ўқув луғатчилигининг назарий масалаларига бағишланган тадқиқотлар олиб борилди. Хусусан, Г.И.Бобоеванинг¹ икки тилли ўқув луғатларини яратиш масалаларига бағишланган ишларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида ўқув луғатчилигининг назарий ва амалий масалалари монографик кўламда ўрганилмаган бўлса-да, собиқ Шўро даврида миллий мактабларда рус тилини самарали ўқитиш мақсадида яратилган икки тилли русча-ўзбекча ўқув луғатлари М.Х.Тўхтаўжаева, Л.М.Одинаева, К.А.Шарофиддинова, С.Ф.Акобиров² кабиларнинг ишлари учун тадқиқ манбаи бўлиб хизмат қилади. Истиқлол йилларида А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, А.Мадвалиев, М.Миртожиев, Р.Сайфуллаева, З.Ҳамидов, Э.Қиличев³ каби тилшуносларнинг ишларида ўзбек тилшунослигида лексикографиянинг ўқув луғатчилиги тармоғи пайдо бўлгани таъкидланади. Б.Менглиев, С.Каримов, Б.Йўлдошев, Н.Улуқов⁴ каби тилшуносларнинг мақолаларида она тили – ўзбек тилини ўқитиш воситаларига ёрдамчи ахборот манбаи бўлган замонавий лингводидактик луғатларни яратишнинг назарий ва амалий масалалари кун тартибига олиб чиқилади. С.Нормаматов⁵, С.Ғофурова⁶нинг миллий лексикография соҳасида олиб борган тадқиқотларида йўл-йўлакай луғатларнинг ўқув мақсадида яратилган турларига ҳам муурожаат қилинади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибига кирувчи “Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Л.А. Семантико-прагматический потенциал синтаксических фразеологизмов и их лексикографическое представление в словаре учебного типа / Дисс. ...канд. пед. наук. – М., 2004. – 218 с.

¹Бобоева Г.И. Лингвистические принципы семантизации лексических единиц в двуязычном учебном словаре / Дисс... канд. филол. наук. Душанбе, 2007. 177 с.

²Тохтаходжаева М.Х. Двуязычные учебные словари и принципы их составления. Ташкент, 1981. - 182 с.; Адинаева Л.М. Приемы семантизации однокоренных слов в гнездовом толковом словаре русского языка / Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1989., – 23 с.; Шарафутдинова К.А. Раскрытие значения слова в двуязычном словаре / Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Т., 1968. –84с.; Акабиров С.Ф. Лексикографическая разработка терминологии в двуязычных словарях. – Т.: Наука, 1969. -241 с.

³Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2002. –232 б.; Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: ЎМЭ, 2017. –384 бет.; Миртожиев М. Ўзбек лексикологияси ва лексикографияси. –Тошкент, 2000.; Ҳамидов З. Луғатшунослик тарихи ва қўлёзма луғатлар. - Тошкент: Адолат, 2004. –36 б.; Неъматов Ҳ., Бахриддинова Б. “Бешикдаги Алпомиш” - луғатлар гулдастаси. “Маърифат”. 2007 й, № 76; Сайфуллаева Р. ва б. Т. Ўқув луғатлари яратиш – долзарб вазифа // Тил ва адабиёт таълими, 2007. № 4. – Б. 4-6; Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Бухоро: 1999., 226 б.

⁴ Менглиев Б.Р., Бахриддинова Б.М. Ўқув луғатлари. “Маърифат”, 2013 й., № 82; Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаххор асарлари тилининг луғати. Частотали луғат. – Т.: ЎМЭ, 2007. – 420 б.; Йўлдошев Б. Ўзбек лингводидактикаси тараққиётида ўқув лексикографиясининг ўрни масаласига доир // Навоий ДПИ ахборотномаси. 2015., 1-сон. – Б. 66-72.; Uluqov N. Lingvistik kompetentlikni shakllantirish omillari //Til va adabiyot ta’limi, 2018., 6-son. –В.16-18.

⁵Нормаматов С.Э. Ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида жадид маърифатпарварларининг ўрни: Филол.фан... доктори (DSc) дисс. –Тошкент. 2019., –250 б.

⁶Ғофурова С. Салоҳидин Тошкандий “Луғоти салос” асарининг лексикографик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 51 б.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ўқув луғатчилигини такомиллаштиришнинг лингвистик асосларини шакллантириш ҳамда соҳа тараққиётини белгиловчи омилларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда ўқув луғатчилигини тараққий эттириш ижтимоий зарурат ва давлат буюртмаси эканлигини илмий асослаш;

“ўқув луғати” ва “ўқув луғатчилиги” тушунчалари моҳиятини ёритиш, ўқув луғати яратишнинг асосий мезонларини ишлаб чиқиш;

тавсифий белгилари асосида ўқув луғатларини таснифлаш ва янги авлод ўқув луғатларининг таркибий тузилмасини белгилаш;

жаҳон ва ўзбек ўқув луғатчилиги тарихи, тараққиётининг асосий босқичларини ёритиш;

илк туркий (ўзбек) луғат-грамматикаларни ўқув луғатчилиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва комплекс ўқув луғати эканлигини асослаш;

ўзбек ўқув луғатчилигининг тарихий тараққиёти ва унинг асосий босқичларини белгилаш;

инновацион лексикографик концепциялар асосида ўзбек ўқув луғатчилигининг истиқболдаги вазифаларини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини жаҳон ўқув луғатчилиги намуналари, X-XI асрлардан бугунги кунгача ўзбек тилида яратилган лексикографик нашрлар, жаҳон тилшунослигида ўқув луғатчилигига оид асарлар, матбуотдаги мақолалар ҳамда электрон ўқув луғатлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилида яратилган ўқув луғатларининг антропоцентрик хусусиятлари, ўзига хослиги, лингвистик асосларини тадқиқ қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, таснифлаш, компонент таҳлил, функционал-семантик, қиёсий-тарихий, тарихий-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

ўқув луғатларининг она тилидан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда хорижий тилларни тез ва самарали ўргатиш, шунингдек, ёш авлодни миллий ва умуммаданий қадриятларга содиқ қилиб тарбиялашнинг муҳим воситаси эканлиги асосланган;

ўқув луғатларининг таълимий ва тарбиявий вазифалари, замонавий ва анъанавий типлари, таркибий тузилмаси билан боғлиқ лингвистик масалалар, уларни яратишнинг асосий – лингвистик, психологик, социологик ва семиотик мезонлари ёритилган;

илк лингвистик манбалар луғат шаклида юзага келгани, ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, маданий эҳтиёжини қондириш ҳамда ҳукумат буюртмасига кўра яратилгани, соф ўқув характериға эға бўлгани далилланган;

ўзбек ўқув луғатчилигининг тараққиёт босқичлари аниқланган, ҳар бир даврда яратилган ўқув луғатларининг тил ўргатиш, тиллараро ва маданиятлараро алоқани таъминлаш, она тили имкониятларидан тўғри ва

самарали фойдаланиш кўникмасини ошириш, нотикликка ўргатиш, адабий тил меъёрларини ўзлаштиришдаги роли асосланган;

Ўзбек тилида яратилаётган янги авлод ўқув луғатларининг мазмуни (контент) ва савиясини лингвистик, лингводидактик назария ва компьютер технологиялари асосида ошириш, корпусини миллий таълим концепцияси талаблари асосида такомиллаштириш, луғат сўзлигини танлаш ва семантизациясида қўлланадиган замонавий лексикографик тамойиллар кўрсатилган;

Ўзбек ўқув луғатлари қамровини таълимий корпус асосида кенгайтириш, узлуксиз таълимнинг барча бўғинларига мўлжалланган луғатларни лексик даражалар асосида тузиш, уларни электронлаштириш, фойдаланувчиларда лексикографик компетентликни ошириш билан боғлиқ лексик бойлик мезонлари белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари ўзбек тилшунослиги, хусусан, ўзбек ўқув лексикографияси тараққиёти учун муҳим илмий-назарий маълумот берган, янги авлод ўқув луғатларини яратишнинг лингводидактик асосларини аниқлашда амалий аҳамият касб этган;

диссертация материаллари ўзбек тилида анъанавий ўқув луғатларини яратиш ва уларни электронлаштириш, замонавий ўқув луғатлари тузилмасини такомиллаштириш, замонавий лексикографик тамойиллар асосида луғат сўзлигини танлаш ва семантизациялашга доир масалаларни ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

ўқув луғатларининг мамлакатимизда ўзбек тилини замон талаблари асосида ривожлантириш, давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш ва тил сиёсатини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларни амалга оширишнинг муҳим воситаларидан бири экани асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лингвистик таҳлил методологияси негизида шакллантирилгани, бирламчи илмий-услубий манбаларга таянилгани, ишончли ва самарали тавсифлаш, таснифлаш, қиёсий-тарихий, тарихий-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларида фойдаланилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек ўқув луғатчилиги назариясининг шаклланиши, ўзбек тили лексикологияси, терминологияси, ўзбек тили тарихи, ўзбек тилшунослиги тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тилшунослик, хусусан, луғатшуносликка оид фанларни ўқитиш, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Лексикография асослари”, “Ўзбек терминологияси” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, оммавий ахборот воситаларида давлат тилини

ривожлантириш, тил маданиятини тарғиб этишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жаҳон ва ўзбек ўқув луғатчилигини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

ўқув луғатларининг она тилидан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш, хорижий тилларни тезкор ўргатиш, шунингдек, ёш авлодни миллий ва умуммаданий кадриятларга содиқ қилиб тарбиялаш, ўқув терминологик луғатларнинг тарихий тараққиёт босқичларидаги тадрижий такомилени ёритишда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 2017-2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-018-рақамли “Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 июндаги 89-03-2004-сонли маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада лойиҳа доирасида банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратишда лексикографик семантизация, луғат корпусининг тузилишига доир янги илмий манба ва маълумотлар билан бойиган;

ўқув луғатларининг тавсифий хусусиятлари (спецификаси), уни яратишнинг асосий мезонлари, вазифалари, замонавий ва анъанавий типлари, таркибий тузилмаси, ўзбек ўқув луғатчилигининг замонавий ривожланиш мезонларига оид назарий фикрлардан 5220100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши учун мўлжалланган “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигининг “Лексика, лексик-семантик сатҳ, лексикология ва лексикография” деб номланган қисмини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 июндаги 89-03-2001-сонли маълумотномаси). Натижада дарсликдаги ўқув луғатчилиги талқинига оид маълумотлар назарий ва амалий жиҳатдан бойиган;

морфологик характердаги янги авлод ўқув луғатлари мазмуни ва савиясини ошириш, корпусини такомиллаштириш, луғат сўзлигини танлаш ва морфологик таркибини ажратиш билан боғлиқ назарий асослардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-ГООЗ рақамли, “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 31 мартдаги 60-1-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида лойиҳа материаллари сўз яшашнинг устувор қолиплари, имлоси билан боғлиқ меъёрий ўқув луғатларини яратишга оид янги илмий манба ва маълумотлар билан бойиган;

ўқув луғатларининг ўз даврининг ижтимоий, сиёсий, маданий эҳтиёжини қондириш ҳамда ҳукумат буюртмасига кўра яратилгани, тил воситасида миллий маданият, маънавиятнинг инсон онгига сингдирилишидаги ўрни хусусидаги назарий маълумотлардан Қарши давлат университетида 2007-2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-002 – “Ҳозирги

замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасини бажаришда (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 июндаги 89-03-2001-сонли маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада лойиҳа доирасида икки тилли луғатларни яратишда тил, маданият ва маънавият муштараклигини таъминлаш тамойилларининг мукамал даражада ишлаб чиқилишига эришилган;

Ўқув луғатларининг тил ўргатиш, тиллараро ва маданиятлараро алоқани таъминлаш, она тили имкониятларидан тўғри ва самарали фойдаланиш кўникмасини ошириш, нотикликка ўргатиш, адабий тил меъёрларини ўзлаштиришга доир назарий ва амалий хулосалар асосида Қашқадарё телевидениесининг “Олтин воҳа” дастуридаги “Тил – миллат кўзгуси”, “Маънавиятимиз сарчашмаси”, “Долзарб мавзу” кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда (Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 16 майдаги 12-15/95-сонли маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада мазкур телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 16 та илмий-амалий анжуман ва семинарда, жумладан, 4та халқаро ва 12та республика илмий-амалий конференциясида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13та мақола (шу жумладан, 11таси республика ва 2таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми – 252 саҳифа.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, жорийланиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўқув луғатчилиги умумий луғатчиликнинг бир тармоғи сифатида”** деб номланган. Бобнинг **“Ўзбекистонда ўқув луғатчилигини ривожлантириш ижтимоий зарурат ва давлат буюртмаси сифатида”** деб номланган биринчи бўлимида сўнгги йилларда давлат тилини ривожлантириш ва мавқеини кўтариш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, она тили таълими ва ўзбек тилшунослиги олдида таълим олувчиларнинг она тилидан амалий

фойдаланиш компетенцияларини ошириш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда тўғри ва равон баён қила оладиган, китобхонлик маданияти шаклланган, мустақил ва ижодий фикрлайдиган, ўзгалар фикрини англайдиган – мулоқот ва нутқ маданияти ривожланган шахсни камол топтиришнинг муҳим воситаларидан бўлган ўқув луғатларини яратиш ҳамда мамлакатимизда ўқув луғатчилиги соҳасини тараққий эттиришдек муҳим ижтимоий вазифанинг кўйилиши асосланган.

Бобнинг “Ўқув луғати” ва “ўқув луғатчилиги” тушунчалари. Ўқув луғатининг тавсифий белгилари” деб номланган иккинчи бўлими жаҳоннинг қатор илғор давлатларида ўтган аср бошларидаёқ тилшуносликнинг энг “қайноқ” соҳасига айланган “ўқув луғатчилиги” (*учебная лексикография, educational lexicography*), лингвистик компетентликни оширишнинг “стратегик” воситаси деб тан олинган “ўқув луғати”, “мактаб луғати” (*учебный словарь, школьный словарь, school dictionary, children’s dictionary, learning dictionary, educational dictionary, dictionary for kids, kindle edition, boosulchacha*) каби тушунчаларни ойдинлаштириш, термин сифатида моҳиятини ёритишга бағишланган.

Луғат – ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, иқтисоий ривожланишининг рамзий тимсоли. Луғатнинг пайдо бўлиши унга эҳтиёж туғдирадиган муҳитнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Аниқроғи, муайян даврда луғатчиликнинг тараққий этиши шу даврда мамлакатнинг ҳам тараққий этганидан дарак беради.

Ҳар қандай луғатда ниманидир ўргатиш мақсади ётади. Аммо ҳамма луғатни ҳам ўқув луғати деб бўлмайди. Хўш, ўқув луғати қандай луғат? Тилшуносликда бу тушунча қачон пайдо бўлди? Умуман, унинг асосий специфик хусусиятлари нимада?

“Ўқув луғати” термин сифатида илк марта Е.Д.Поливановнинг 1926 йилда нашр этилган “Қисқача русча-ўзбекча луғат”и сўз бошисида учрайди: “ҳажмига кўра справочник луғат деб бўлмайди, уни ўқув луғати тоифасига киритиш ўринли”¹. “Ўқув луғати” терминининг ишчи таърифи 1990 йилда В.В.Морковкиннинг “Ўқув лексикографиясининг назарий асослари” деб номланган докторлик диссертациясида “Маълумот олиш, тил ўрганишга ёрдам бериш мақсадида махсус яратилган ҳар қандай жанр ва ҳажмдаги лексикографик асар”² тарзида берилади. Ўқув луғатини характерлайдиган ушбу мезонлар П.Н.Денисовнинг 1993 йилда ўқув луғатига берган таърифида ҳам ўз аксини топади: “Ўқув луғати – сўзлиги маълум бир мезон асосида тартибланган, ўқув-услубий талабга жавоб берадиган, одатда, ҳажман кичик бўлган, маълумотни тезкор ва қулай тақдим этадиган луғат тури”³. “Ўқув луғатчилиги” терминининг илк таърифи эса Л.А.Новиковга тегишли: “Академик лексикография билан таққослаганда ўқув лексикографияси

¹ Поливанов. Е.Д. Краткий русско-узбекский словарь. Ташкент, 1926. – С.4

² Морковкин В.В. Основы теории учебной лексикографии: Дисс. ... д-ра филол. наук (в форме научного доклада). – М.: Институт русского языка им. А.С. Пушкина, 1990. – С.9

³ Денисов П.Н. Лексика русского языка и принципы ее описания. – М.: Русский язык, 1993. –С. 216-217.

ҳажман кичик ва катта таълимий мақсадга йўналтирилган лексикография”¹. В.Г.Гак ўқув луғатчилигининг назарий ва амалий аспекти ҳақида тўхталар экан, унинг лексикография ва педагогика оралиғидаги амалий фан эканини таъкидлайди². Илмий адабиётларда ўқув лексикографиясининг *лингводидактик фан, лингвопедагогик йўналиш, лингвометодик фан, педагогик лексикография* деган турли номлар билан юритилиши кузатилади.

Сўнгги йилларда шу йўналишда бажарилган ишларда ўқув луғатчилигига антропоцентрик луғатчилик, ўқув луғатларига эса антропоцентрик луғат сифатида қараш оммалашиб бораётгани кузатилмоқда. В.В.Морковкин барча луғатларни икки гуруҳга бўлади: 1) Лингвоцентрик луғатлар – бу тил учун ва тил ҳақида бўлган луғатлар. Асосий вазифаси – мавжуд тил фактларини ёзиш, тавсифлаш ва баҳолаш. 2) Антропоцентрик луғатлар – инсон учун яратилган луғатлар. Асосий вазифаси – инсонга ёрдам бериш, биринчидан, инсон онгида тилнинг манзарасини шакллантириш, иккинчидан, уни ушбу тилдан самарали фойдаланишга ўргатиш³. Бу жиҳатдан В.В.Дубичинскийнинг “Ўқув луғатчилигининг тадқиқ соҳасини уч тизимга мансуб бўлган уч координатали майдон – лингвистик, психологик ва социологик мезонларга асосланган тизим сифатида белгилаш мумкин”⁴, деган фикрлари ўринли. Ўқув луғатларига бундай ёндашув, ҳақиқатан ҳам, унинг антропоцентрик луғат экани, инсонни ҳар томонлама қамраб олувчи восита эканини кўрсатади.

Ўқув луғати кўп ҳолларда мактаб луғати ҳам деб юритилади. Мактаб луғати ўқув луғатининг мактаб ўқувчиларига мўлжалланган бир кўриниши. Масалан, рус, инглиз тилларида узлуксиз таълимнинг мактабгача таълим тизими учун мўлжалланган *дошкольный словарь, kindergarten dictionary, kids dictionary* каби турлари ҳам учрайди.

Ўқув луғатининг энг муҳим характери белгиси *ўқув комплексининг тўлақонли аъзоси экани, таълим жараёнига максимал даражада мослашгани*. Дарслик каби ўқув луғатининг ҳам адресати (фойдаланувчиси) аниқ бўлади. Ўқув луғатида сўзлик фойдаланувчининг узлуксиз таълимнинг қайси бўғинида таҳсил олишидан келиб чиқиб, шу босқич ўқув дастури, дарсликда учрайдиган тил бирликларига асосланади.

Бу тоифага мансуб луғатларни характерлайдиган яна бир муҳим белги *ҳажман чегараланганлиги*. Ўқув луғатидан “зарурий ва яна фақат зарурий маълумот”⁵лар жой олади. Ўқув луғатининг муҳим кўрсаткичи – сўзликнинг мақсадли танланиши ва унинг методик жиҳатдан асосланган миқдорий чекланиши билан ўлчанади⁶. Ўқув луғати шу типдаги катта луғатни қисқартириш йўли билан яратилмайди. Шунингдек, эстетик дидга мослик,

¹ Новиков Л.А. Учебная лексикография и её задачи // Вопросы учебной лексикографии / Под ред. П.Н. Денисова и Л.А. Новикова. – М.: Изд. МГУ, 1969. – С.3-11.

²Гак В.Г. О некоторых закономерностях развития лексикографии (учебная и общая лексикография в историческом аспекте) / В.Г. Гак // Актуальные проблемы учебной лексикографии. – М., 1977. – С. 11.

³Морковкин В.В. Антропоцентрический versus лингвоцентрический подход к лексикографированию // Национальная специфика языка и её отражение в нормативном словаре. – М., 1988. С. 132–133.

⁴Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: учеб.пособие. – М.: Наука, Флинта, 2008.–Б.336

⁵Гак В.Г. Учебный словарь – краткая энциклопедия языка.// РЯЗР, – Москва: 1971, № 4. –С 39-40.

⁶Ахманова О.С. Некоторые проблемы современной лексикографии // РЯЗР, – Москва: 1972, № 1. –С.44

кўшимча материаллар (грамматик топширик, тест, машқ, ўйин, шеър, электрон луғатлар мультимедиа, овоз) билан бойитилиши ҳам ўқув луғатининг характерли белгиси ҳисобланади.

Демак, сўзлиги маълум бир мезон асосида тартибланган, ўқув-услугий талабга жавоб берадиган, таълим олувчининг коммуникатив компетенциясини шакллантириш учун хизмат қиладиган, маълумотни тезкор ва қулай тақдим этишга мўлжалланган антропоцентрик воситага **ўқув луғати** дейилади. **Ўқув лексикографияси** – ўқув луғатчилиги тарихини ўрганиш, ўқув луғатлари, лексик минимумлар, ўқув лингвостатистикалар, лексикани ўқитиш бўйича қўлланмаларни тузиш ва нашрга тайёрлаш, ўқув луғати типлари ва турларини аниқлаш, уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, тил ўқитишга мўлжалланган дарсликларда лексикани тақдим этиш ва семантизациялаш билан шуғулланадиган амалий фан.

“Ўқув луғати типларини ажратиш муаммолари” деб номланган навбатдаги бўлимда жаҳон ўқув лексикографиясида ўқув луғати типлари ажратиш борасидаги фикрлар ўрганилади, жаҳон ва ўзбек тили луғат хазинасида мавжуд бўлган луғатлар асосида ўқув луғатларининг антропоцентрик йўналганлиги, умумий мақсади, тил тизимини акс эттириш усули, тил семантикасини акс эттириши, аспекти, тили, қўлланиши, таълимнинг қайси бўғинига мўлжаллангани, сўзликнинг тартибланиши, мураккаблик даражаси, ҳажми, шаклига кўра бир неча типлари ажратилади.

Ўқув луғатларининг умумий типологияси қуйидаги энг муҳим тўрт омил – *психологик, социологик, лингвистик, семиотик (ишоравий) омилларга* асосланиши ёритилади.

Бобнинг тўртинчи бўлими “Ўқув луғатининг таркибий тузилмаси (структураси)” деб номланади. Барча умумий луғатлар каби ўқув луғати ҳам ўз ички қурилиши (композиция, структура)га эга. Янги авлод ўқув луғати структураси уч қисм – мега, макро ва микроструктураларга ажралади. Замонавий ўқув луғатининг **мегаструктураси**: 1) кириш; 2) ўқув-методик таъминот; 3) луғат корпуси; 4) иловадан; **макроструктураси**: 1) алфавит тартибли; 2) мавзувий; 3) мавзувий-алфавит тартибли луғат мақола ёки сўзликдан; **микроструктураси**: бош сўз; изоҳ; лексикографик помета (кўрсаткич) ва иллюстрациялардан ташкил топади.

Диссертациянинг “**Ўқув луғатчилигининг шаклланиши ва тараққиёти**” деб номланган иккинчи бобида жаҳон ўқув луғатчилиги, хусусан, Европа, АҚШ ва Россия ўқув луғатчилигининг шаклланиши ҳамда тараққиётининг асосий босқичлари хусусида сўз боради.

Бобнинг биринчи бўлими “Жаҳон ўқув луғатчилигининг шаклланиши” деб номланади. Манбаларда келтирилишича, амалий лексикография бундан тўрт минг йил олдин глосс, глоссарий ва вокабулярый кўринишларида юзага келган¹. П.Н.Денисов лексикографиянинг тарихий илдизлари хусусида тўхталар экан, “тарихий манбалар ўқув луғатининг умумий луғатлардан олдин пайдо бўлганига гувоҳлик бермоқда. Таълимий мақсадда яратилган мазкур луғатларга грамматик топширик, савол, машқнинг илова қилиниши

¹ Берков В.П. Вопросы двуязычной лексикографии: Словник. – Л., 1973. – С.3

асрлар давомида уларга нисбатан бегона тилни ўқитишга мўлжалланган қўлланма, дарслик сифатида қараб келинишига сабаб бўлди. Ўқув луғати табиий равишда ўзга тилни ўқитишга аралашиб кетди, аслида унинг тарихи 40-45 аср олдинга бориб тақалади¹”, деб ёзган эди. В.Г.Гак ўқув луғатчилиги ва умумий луғатчиликнинг тарихий аспекти ёритилган мақоласини “Аслида ўқув луғати умумий луғатлар негизда эмас, балки умумий луғатлар ўқув луғати эволюцияси натижасида юзага келган”², деган қатъий хулоса билан яқунлайди.

“Ибтидоий мактаб қўлланмалари – илк ўқув луғатларининг юзага келиши” деб номланган бўлимда Қадимги Месопотамия, Миср, Юнонистон каби илк цивилизация ўчоқларида милоддан аввалги икки мингинчи йилликларда, асосан, қадимги қўлёзмалардаги маъноси тушунарсиз сўзларни шарҳлаш ёки таржима қилиш мақсадида яратилган глоссарий, вокабулярлардан бошланиб, милоднинг XV асригача яратилган манбалар таҳлил қилинади. Улар, асосан, ибодатхоналар қошидаги мактабларда ўқитиш воситаси вазифасини ўтаб, айнан луғат деган тушунча билан эмас, балки дарслик, ўқув қўлланма мақсадида яратилган.

Бобнинг учинчи бўлими “Европа (инглиз, немис, испан, француз тиллари) ва АҚШ ўқув луғатчилиги тарихи” деб номланади. Европада XV асрдан ўқув луғатлари ўз тараққиётининг иккинчи даврига кўтарилади. Бу даврда яратилган манбалар *лексикон* (замонавий терминологик луғатларнинг илк кўриниши), *азбуковник* (энциклопедик луғатларнинг дастлабки шакли), *икки тилли луғат* кўринишида бўлган ва тиллараро алоқани таъминлаш, миллий тилни, шунингдек, хорижий тилларни ўргатиш учун хизмат қилган. Мазкур луғатлар таҳлилидан ҳатто уларнинг номланиши ҳам ўқув жараёнига мослашгани маълум бўлади. XIV-XV асрлар оралиғида яратилган француз ва лотин тилидаги илк таржима луғатининг “*Commentarius puerorum*” (“Ёшлар учун тушунтиришлар”), “*Seminarium et planetarium fructiferarum*” (“Мева тера оладиганлар учун боғча”), “*Dictionariolum puerorum*” (“Ёшлар учун ихчам луғат”), “*Promptuarium Parvulorum*” (“Болалар учун хазина”) деб номланганини мисол сифатида келтириш мумкин³.

XVII асрдан Европада сўзларнинг келиб чиқиши, таркиби, ёзув шаклини белгилайдиган луғатлар нашр этила бошлайди. Бу даврга мансуб ўқув луғатчилиги тарихидаги энг машҳур луғатлардан бири С.Жонсоннинг 1755 йилда нашр этилган “*A Dictionary of English Language*” (“Инглиз тили луғати”) луғатидир⁴. АҚШ луғатчилиги XVIII аср охирида Британия луғатчилиги анъаналари асосида шаклланади. Америка луғатчилиги тарихида мактаб луғати тузиш анъанасини америкалик мактаб ўқитувчиси ва лексикограф С.Жонсон (1757-1836) бошлаб беради. У ўз луғати олдида

¹П.Н.Денисов. Об универсальной структуре словарной статьи. – В.кн.: Актуальные проблемы учебной лексикографии. Сост. В.А.Редкин. –М.:, Русский язык, 1977., – С. 218.

²Гак В.Г. О некоторых закономерностях развития лексикографии (учебная и общая лексикография в историческом аспекте) / В.Г. Гак // Актуальные проблемы учебной лексикографии. – М., 1977. – С. 27.

³Юқоридаги манба. – С. 19.

⁴Bryson B. Made In America An Informal History of the English Language in the United States. N.Y.: Perennial, 2001. P. 417. URL:<https://www.amazon.com/Made-America-Informal-History-Language/dp/0380713810>

мактабда таълим олувчининг она (инглиз) тили имкониятини тезлик билан самарали ўзлаштиришга ёрдам бериш вазифасини кўяди. Шунингдек, Америка тилшунослиги, хусусан, лексикографияси тарихида Ной Вебстер (1758-1843) ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Вебстер ҳам тилшунос, ҳам педагог сифатида ўз олдига кўйган таълимий мақсадига эришишда энг асосий восита луғат эканини тўғри англайди ва инглиз тилини тез, самарали ўргатиш учун хизмат қиладиган мактаб луғатлари яратиш анъанасини бошлаб беради. Унинг Америка инглиз тилиси меъёрларига бағишланган биринчи луғати 1806 йилда “A Compendious Dictionary of the English Language” (“Инглиз тилидан қисқача луғат”) номи билан нашр этилади. 1783-85 йилларда Вебстер америкаликлар бир асрдан кўпроқ вақт давомида фойдаланган “A Grammatical Institute of the English Language” (Инглиз тилининг грамматик институти) луғат-қўлланмасини яратади. “Кўк муқовали луғат” номи билан машҳур бўлган бу луғат ҳамда унинг кейинги “Merriam-Webster” бренди остида нашр этилган туркум луғатлари америкаликларнинг беш авлодини ўқиш ва ёзишга ўргатишда муҳим рол ўйнайди ва бу ҳақли равишда муаллифнинг “Америка илм-фани ва таълимнинг отаси” деган шарафга муносиб кўрилишига сабаб бўлади¹. Вебстер ва унинг “Вебстер луғати” номи билан машҳур бўлган “An American Dictionary of English Language” (“Америка инглиз тилиси луғати”) луғатини америкаликлар нафақат лексикография, балки мамлакат илм-фани, таълим, маданият, ижтимоий-сиёсий муносабатлари ривождаги ролини юқори баҳолайдилар. Қўшма Штатларда Вебстер номи “луғат” сўзининг синонимига тенглаштирилади². Умуман олганда, Америка луғатчилиги мактаб луғатчилиги тараққиётида янги даврни бошлаб бергани, ўқув луғатларининг адабий тилни меъёрлаштириш вазифасини мутлақлаштиргани билан характерланади.

Бобнинг “Россияда ўқув луғатчилигининг шаклланиши ва тараққиёти” деб номланган тўртинчи бўлимида собиқ шўро давлатлари, хусусан, ўзбек ўқув луғатчилиги тараққиётида муҳим рол ўйнаган рус ўқув луғатчилиги таҳлил қилинади. Жаҳон мамлакатларида бўлгани каби Россияда ҳам лексикография тарихи узоққа бориб тақалмайди. Россия ва Украинада XI-XIII асрларда ўқув, ахлоқий, энциклопедик характердаги “алифбо тартибли дарсликлар” (“азбуковниклар”) яратилган. Сўзликни танлаш, изохлашда муайян тартибга амал қилинмаган бўлса ҳам, мазкур луғатлар алифбо тартибига асосланганлиги учун фанда “азбуковник” номи билан танилган. Азбуковниклар луғат, дарслик, панднома, справочник характердаги XIII-XVIII асрларга оид муаллифи номаълум қадимги рус қўлёзмалари бўлиб, Россияда энциклопедик ва филологик луғатнинг илк кўриши ҳисобланади. Ушбу луғатларнинг пайдо бўлиши Қадимги Русда христианликнинг ёйилиши билан боғлиқ. Улар маъноси тушунарсиз хорижий сўз, илмий терминларга қисқача изоҳ бериши, ўрни билан манбалардан асос келтирилиши билан антик глоссарийлар, Ғарбий Европада яратилган илк тезаурусларни ҳам

¹ Noah Webster's American Dictionary of the English Language. https://en.wikipedia.org/wiki/Websters_Dictionary

² Online Encyclopedia. NOAH WEBSTER// URL:<http://encyclopedia.jrank.org/>

эслатади¹. Алифбо-дарсликни тузувчи ва ундан фойдаланувчилар, асосан, куйи табақа вакиллари бўлган. Ўқув азбуковниклар саводхонликка ўргатиш, нутқий кўникмаларни ўстириш учун яратилиб, одатда, икки: *лексикографик* ва *когнитив* мақсадни амалга ошириш учун хизмат қилган.

XX аср ўрталарига келиб Россияда ўқув луғатчилиги тармоғини такомиллаштириш давлат аҳамиятидаги ижтимоий-сиёсий масала даражасига кўтарилади. Ҳукумат ўқув луғатларига рус тилини ривожлантириш, мақом ва мавқеини ошириш, собиқ шўро тасарруфидаги миллий мактабларда уни тез ва осон ўқитишнинг муҳим стратегик воситаси сифатида қарайди. 1966 йил МДУнинг рус тилини ўргатиш билан шуғулланадиган илмий-методик марказида Ўқув луғатчилиги сектори ташкил этилган. Кейинчалик А.С.Пушкин номидаги рус тили институти ташкил этилгач бу сектор ҳам институтга кўчирилган². 1969-76 йиллар оралиғида Ленинград, Самарқанд, Минск, Тошкент, Одесса, Оломоуце (Чехия), Кембридж (АҚШ), Амерст (АҚШ) шаҳарларида ўтган симпозиум ва анъанавий анжуманларда ўқув луғатчилигининг турли муаммолари босқичма-босқич ҳал этиб борилган.

Россияда ўқув лексикографиясининг тараққий этиши собиқ шўро давлатининг гуллаб-яшнаган даври – XX асрнинг 60-70-йилларига тўғри келиб, у, асосан, уч: 1) империя тасарруфидаги миллий мактабларда рус тилини тезкор ўргатиш учун хизмат қилувчи луғатларни яратиш; 2) жаҳон мамлакатлари билан “тиллашиш” – хорижликларга рус тилини самарали ўргатиш ва уларнинг тилини ўрганиш учун хизмат қиладиган кўп тилли луғатлар яратиш; 3) рус тилини она тили сифатида ўрганувчилар учун мўлжалланган бир тилли меъёрий, этимологик, лексик, морфологик, синтактик характердаги луғатларни яратиш йўналишларида ривожланган.

Ишнинг учинчи боби **“Ўзбек ўқув луғатчилигининг тарихий илдизлари ва ривожланиш босқичлари”** деб номланиб, унда ўзбек, умуман, туркий тилда яратилган илк луғат манбалари ўқув луғатчилиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ва бугунги кунгача бўлган тараққиёти ўрганилади. Бобнинг “Ўзбек тилидаги илк луғат манбаларга ўқув луғати нуқтаи назаридан ёндашувнинг юзага келиши” деб номланган биринчи бўлимида мамлакатимизда ўқув луғатчилиги назарияси ва амалиётига доир дастлабки қарашларнинг пайдо бўлиши, жаҳон лексикографияси анъаналарига асосан туркий луғатчиликнинг илк намуналари бўлган ноёб кўп функцияли мумтоз луғатларни ўқув луғати кўзгуси остида тадқиқ қилиш зарурати хусусида сўз боради.

Ўзбек луғатчилиги ёритилган ишларда луғатчилик даврлаштирилар экан, ҳар бир давр мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётидаги муҳим босқичлар, аниқроғи, халқнинг тарихий тараққиёт босқичлари билан боғлангани кузатилади³. Аксарият таснифлардан маълум бўладики, биринчи

¹Азбуковники. Энциклопедия русского языка. URL:<http://russkiyyazik.ru/19/>

²Ольховская А.И. Учебная лексикография в стенах института Пушкина / Русский язык за рубежом. № 4, М.: 2016. –С.66-72

³ Ўзбек тили лексикологияси. Муаллифлар жамоаси. –Т.: Фан, 1981. – Б.294-296; Миртожиев М. Ўзбек лексикологияси ва лексикографияси. –Т.:, 2000; Ҳамидов З. Луғатшунослик тарихи ва қўлёзма луғатлар. – Т.: Адолат, 2004.

